

Халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди

Жорий йилнинг 19-апрел куни Халқ депутатлари Узун тумани Кенгашининг "Ахборот сиёсати ва маҳаллий давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари" бўйича доимий комиссиялари йиғилиши бўлиб ўтди.


Йиғилишда Узун туман ҳокимининг ўринбосари оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Саломат Гулбоева, Халқ депутатлари Узун туман Кенгаши доимий комиссия раисаси Сафаргул Ражабова ҳамда аъзолари иштирок этдилар.



Кун тартибида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг " Хотин қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлари тўғрисида"ги масалалари бўйича сўз юритилди.

Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Саломат Гулбоева йиғилишни очиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7-мартда қабул қилган "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш, меҳнат фаолиятини рағбатлантириш ва одил судловга

эришиш даражасини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар хусусида гапирди.



2019-йил 1-майдан:


- аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича тақиқлар бекор қилинганлиги;
- тавсиявий характердаги аёллар соғлиғига салбий таъсир этиши мумкин бўлган соҳа ёки касблар рўйхати тасдиқланганлиги;
- бола парваришlash таътилининг камида уч ойи ота томонидан фойдаланилган тақдирда, ота ёки онадан бирига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 234-моддаси тартибида қўшимча бир ой нафақа тўланадиган бола парваришlash таътили берилиши;
- икки ёшга тўлмаган фарзандини тарбияловчи ота-оналарнинг бирига уларнинг

иш пайтидаги дам олиш ва овқатланиш, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар ҳисобидан иш берувчи билан келишган ҳолда кун давомида фойдаланиладиган танаффус вақтини белгилаш ҳуқуқи берилганлиги;

- аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганлиги сабабли улар билан тузилган номуайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар ёки муддатли меҳнат шартномасини муддати тугагунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тақиқланганлиги;
- эркак ва аёллар ҳуқуқлари тенглигининг бузилиши билан боғлиқ ишларнинг судларда кўриб чиқилишида аёлларга адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизмат учун ҳақ уларнинг хоҳишига кўра давлат ҳисобидан қопланишини ҳамда нодавлат нотижорат ташкилот мақомига эга бўлган «Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари» ташкил этилишини ва ушбу марказга бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликда узоқ муддат бола парваришlash таътилида бўлган, мушкул иқтисодий аҳволга тушган аёлларни меҳнат бозорида талаб этилаётган касблар бўйича қайта тайёрлаш ва уларнинг ишга жойлашишига кўмаклашиш; тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган аёлларни марказларга жалб этиш ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш ва бошқа вазифалар юклатилганлигини айтиб ўтди.

Маълумот учун марказни сақлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва асосий вазифалари билан боғлиқ бўлган харажатлар Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фондига тижорат банкларига имтиёзли кредит ажратиш учун берилган ресурслардан ҳисобланган фоиздан келиб тушган маблағлар (банк маржасидан ташқари) ҳамда халқаро ташкилотлар грантлари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизлар туман ҳокими ва туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан шакллантириладиган рўйхат асосида махсус ўқитиш дастури бўйича ўқитилишини ҳамда ушбу махсус ўқитиш дастурларини муваффақиятли ўзлаштирган хотин-қизлар орасидан тегишли туман Хотин-қизлар қўмитаси раиси тавсиясига кўра тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга 6 ойлик имтиёзли давр ва йиллик 8 фоиз ставкада имтиёзли кредитлар ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришни кредитлаш тартиблари асосида ажратилиши хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан тижорат банкларига ҳар йили ажратиладиган 100 миллиард сўм ресурс маблағлари ушбу имтиёзли кредит маблағларининг манбаси этиб ҳисобланишини айтиб ўтди. Мазкур ресурс маблағларининг камида 50 фоизи қишлоқ жойларида истиқомат қиладиган хотин-қизларнинг бизнесини ривожлантиришга йўналтирилишини таъкидлаб, Хотин-қизлар қўмитаси кредит олиш учун тавсия бериш жараёни

адолатли ва шаффофлигини таъминловчи тартиб асосида берилишини яна бир бор таъкидлади.



Халқ депутатлари Узун туман Кенгаши доимий комиссия раисаси Сафаргул Ражабова сўзга чиқиб, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуининг ижро этилишини жойларда ўрганиб, муҳокама қилиш, ахборот сиёсати, очиқлик ва ошкораликни таъминлашга оид қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг рўёбга чиқарилиши устидан тизимли депутатлар назоратини амалга ошириш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун мансабдор шахсларга нисбатан чоралар кўриш таклифини илгари сурди.

Йиғилиш якунида доимий комиссия йиғилиш қарори қабул қилинди ва

навбатдаги сессияга киритиш учун қуйидагилар;
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7-мартда қабул қилган
“Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва
тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар
тўғрисида”ги қарори ижроси устидан қатий назоратни ўрнатиш,
«Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари»фаолияти юзасидан тегишли тартиб-
тамойил асосида ташкил этилиши,
ахборот сиёсати, очиқлик ва ошкораликни таъминлашга оид қонун ҳужжатлари,
давлат дастурларининг рўёбга чиқарилиши устидан тизимли депутат
назоратини амалга ошириш,
давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги
қонун ҳужжатларини бузганлик учун мансабдор шахсларга нисбатан чоралар
кўриш каби масалалар тавсия этилди.